*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 24 ноябрь ● сешанба ● № 50 (667) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

Ғурур

# Конституция – менинг ҳаётимда



53-модда.
*Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.*
*Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.*



55-модда.
*Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.*



126-модда.
*Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга.*




## Очиқ ва ошкора мулоқот

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги **“Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 203-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг ноябрь ойи давомида ҳудудий адлия бошқармаларида **“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати”** мавзуида матбуот анжуманлари ташкил этилмоқда.

Шундай учрашувлардан бири Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги “Ширинлик” маданият саройида бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, ОАВ, суд, прокуратура, божхона, солиқ, ички ишлар идоралари, халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари вакиллари, Суд департаменти ва Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармалари ҳамда ФҲДЁ ва нотариал идораларнинг ходимлари, тумандаги ҚФЙ ва МФЙ раислари, уларнинг маслаҳатчилари, ўрта мактаб ва коллежлари директорларининг маънавият ишлари бўйича ўринбосарлари, мусулмонлар идораси вилоят бўлими вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳисобот даврида Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид жами 234 та шикоят кўриб чиқилди. Ушбу соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида, тегишли ташкилот ва муассасаларга 23 та тақдимнома киритилди. Давлат бошқаруви органлари, ташкилот ва муассасаларнинг 7 та қарори ижроси бекор қилиниб, 37 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Тадбирда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини юксалтириш йўналишида самарадорликни янада ошириш юзасидан ФҲДЁ органлари олиб бораётган тадбирлар ва навбатдаги вазифалар борасидаги ҳисоботлар тингланиб, камчиликларни бартараф этишга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, 2009 йилда **“Ҳуқуқ билимдонлари”** республика қувноқлар ва зукколар беллашувида иштирок этган ва фахрли 1-ўринни эгаллаган Наманган вилоятининг “Ёш сенаторлар” гуруҳи чиқиши ташкил этилиб, ушбу танловнинг ўтказилишида фаол иштирок этган масъул шахслар ҳамда ўқувчи-талабалар Адлия вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

## Вақт чархпалаги



### Қўшимча текширилади

**— ФУҚАРО Г.Амонованинг уйида содир бўлган ўғирлик ҳолати юзасидан Ғиждувон тумани ИИБ томонидан айбдор шахсларга нисбатан қонуний чора кўрилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилди, дея маълумот беради Бухоро вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари И.НУРОВ.**

— МАЗКУР ЖИНОЯТ иши вилоят прокуратураси томонидан ўрганилиб, аризада келтирилган важлар тергов йўли билан қўшимча равишда текширилиб, қонуний тўхтамга келиш учун Ғиждувон тумани прокуратурасига юборилди.

### “Томни ёпамиз...” деб алдашди”

**“Инсон ва қонун” 2009 йил 20 октябрь**

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ 44-сонида юқоридаги сарлавҳа остида пойтахтнинг Юнусобод тумани, 16-мавзе, 14-уйда истиқомат қилувчи аҳоли номидан Қамбар Ўтаевнинг “Таҳрирсиз мактуб”и чоп этилган эди. Ушбу “Таҳрирсиз мактуб”да 14-уйда яшовчи аҳолидан “Ҳулкар” коммунал ХУЖМШ ходимлари томонидан уйнинг томини таъмирлаш мақсадида пул йиғиб олиниб, таъмирлаш ишлари чала ташлаб қўйилгани ҳақида сўз борганди.**

МАҚОЛА газетада чоп этилгач, мутасадди ташкилотлар – Юнусобод тумани ҳокимлиги ва Юнусобод тумани прокуратурасига юборилди. Яқинда таҳририят хатқутисига ҳар иккала мутасадди идорадан жавоб хати келди.

Юнусобод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Мусаев шундай жавоб ёзади:

**“Юнусобод тумани ҳокимининг Ижроия маҳкамаси Юнусобод тумани, 16-мавзе, 14-уй, 39-хонадон эгаси Қамбар Ўтаевнинг “Томни ёпамиз...” деб алдашди” сарлавҳали мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади. Томдан чакка ўтиш ҳолати тасдиқланди. Бугунги кунда 16-мавзе, 14-уйнинг том қисми шифер билан тўлиқ таъмирланди”.**



### Ижро давом эттирилмоқда

**ФУҚАРО М.Нурматованинг ёзган аризаси бўйича Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари У.АБДУАЛИЕВ шундай жавоб ёзади:**

— ФУҚАРОЛИК ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2009 йил 13 мартдаги ундирувчи М.Нурматовани Оҳангарон тумани Увак қишлоқ врачлик пунктига менеджер лавозимига ишга тиклаш ва Увак қишлоқ врачлик пунктидан 150,0 минг сўм маънавий зарар, 287,5 минг сўм иш ҳақи ва адвокат хизмати учун 300,0 минг сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Оҳангарон тумани бўлими иш юритувига 2009 йил 8 апрелда келиб тушган.

Амалга оширилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида 2009 йил 2 октябрдаги 17-сонли буйруғига асосан ундирувчи Оҳангарон тумани Увак қишлоқ врачлик пунктига менеджер лавозимига ишга тикланган ва бу ҳолат унинг тилхати билан тасдиқланган.

Бундан ташқари, мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздордан 150,0 минг сўм маънавий зарар, 287,5 минг сўм иш ҳақи тўлиқ ва адвокат хизмати учун қисман 263,5 минг сўм ундирилиб, жами 701,0 минг сўм пуллар ундирувчига 2009 йил 20 октябрдаги тилхат орқали топширилган.

Ҳозирда адвокат хизмати учун белгиланган сумманинг 36,5 минг сўм қолдиқ қисмини ундириш юзасидан ижро ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя

## Реабилитация маркази иш бошлади

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Аввало, бундай жиноятларга барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Ўзбекистон одамларнинг нолегал траффигига қарши курашишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди.**

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ бевосита ташаббуси асосида 2008 йилнинг 17 апрелида **“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш билан бирга, бу иллатдан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Хусусан, мазкур Қонунда одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой билан таъминлаш ва бошқа масалалар алоҳида белгиланди.

Ушбу Қонунни амалга ошириш ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **“Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида 30 ўринга мўлжалланган одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг ташкил қилиниши белгилаб қўйилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида қисқа муддатда жаҳон андазаларига жавоб берадиган замонавий бино қурилди ва яқинда фойдаланишга топширилди.

Марказ ўз фаолиятини одам савдоси жабрдийдаларининг камситилишига йўл қўймаслик, шахсий ҳаёти ва шахсининг махфийлигига риоя қилиш, ижтимоий ва юридик қўллаб-қувватлаш ҳамда якка тартибда парвариш қилиш тамойиллари асосида амалга оширади.

Мазкур марказда одам савдоси жабрдийдалари қулай яшаш, шахсий гигиена шарт-шароитлари, озиқ-овқат, дори воситалари билан таъминланиши баробарида, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий психологик, юридик ва бошқа ёрдамлар кўрсатилади, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қариндошлари билан мулоқот ўрнатиш ва ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашилади.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси**

Сайлов ва ОАВ

*Биринчи мақола*

## Эркин ахборот алмашинуви сайлов жараёнининг адолатли ўтишини таъминлайди

**ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ сайловларнинг мазмун-моҳияти фақат мақбул муҳитда ўз овозини беришдан иборат эмас, балки сайлов жараёнларида барча сайловчиларга сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг сайловолди дастури, шунингдек, сайлов жараёнининг моҳияти ҳақида тўлиқ ахборот олиш шарт-шароитлари яратилиши лозим. Бунинг натижасида сайловчилар тўлиқ ва етарли ахборот асосида ўзлари онгли равишда муносиб номзодни танлаб, овоз бериш имконига эга бўлишади.**



МАМЛАКАТИМИЗДА фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари 2009 йилнинг декабрь ойида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг

3 →



Мутахассис минбари

# Ёшларни Ватан ва миллат руҳида тарбиялаш

## инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган глобаллашув даврида энг муҳим масаладир

### Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазири Ғайрат ШОУМАРОВ билан суҳбат

**АЗАЛДАН ХАЛҚИМИЗ фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Мамлакатимиз истиқболи бўлган ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама билимли, ватанпарвар, эл-юртга садоқатли қилиб вояга етказиш нафақат таълим соҳаси, балки барча ижтимоий соҳалар, кенг жамоатчилик зиммасидаги улуғвор вазифа саналади.**

ТАРБИЯНИНГ тамал тоши мактабда қўйилади, албатта. Шу маънода бугунги кунда юртимиз мактабларида таълим-тарбия олаётган ўқувчи-ёшлар ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари, таълим тизимидаги кенг кўламли ислоҳотларнинг изчил самараси ҳақида газетамиз мухлисларини таништиришни лозим топдик. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири **Ғайрат ШОУМАРОВ** билан шу мавзуда суҳбатлашди.

**— Ҳурматли Ғайрат Баҳромович, мустақил мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган фарзандларимизнинг камолоти, билим чўққиларини эгаллаши, маънан баркамол ўсиши билан чамбарчас боғлиқ. Матбуот орқали хабардормизки, Халқ таълими вазирлиги томонидан “2009-2010 ўқув йили — Маънавий ишлар самарадорлиги ўқув йили” деб эълон қилинган. Бундан кузатилган мақсад ва вазифалар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Мазкур ўқув йилида асосий эътибор тизимдаги маънавий-маърифий ишлар жараёни ва унинг пировард натижалари ва самараларига қаратилади. Тизимда миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар концепциясини яратиш, тизимли асосда ташкил этиш, узлуксиз мониторинг, баҳолаш ва прогнозлаш механизмларини яратиш, маънавий-маърифий фаолиятни ташкилий, мазмун ва методик жиҳатларини кучайтириш, янги усул ва воситаларни амалиётга жорий этиш, мазкур соҳа учун бевосита масъул бўлган мутасадди ходимлар салоҳиятини ошириш каби вазифалар янги ўқув йили учун ишлаб чиқилган алоҳида чора-тадбирлар режасининг асосий йўналишларини ташкил этди. Лўнда қилиб айтганда, тизимдаги раҳбардан тортиб ўқитувчи ва мураббийгача маънавий-маърифий ишлар бўйича тасаввури ва уларга ёндашуви тубдан ўзгариши лозим. Албатта, амалга ошириладиган бу ишлар бир ўқув йили билан чегараланмайди, ундан олинадиган хулоса ва тажрибалар кейинги ўқув йилларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва олиб бориш учун асос бўлади.

Бу борада белгиланган вазифалар ташкилий масалалар билан боғлиқ бўлиб, бевосита ўқувчилар ва тарбияланувчилар билан ишлашда асосан қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш назарда тутилган.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек, **“Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак”.** Демак, ҳар бир ўқувчининг бетакрор эканлигини, унинг тарбияси руҳий ҳолати ва кайфиятига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлишини унутмаслик жоиз. Таълим муассасасидаги ҳар бир педагог ўқувчининг қалбидан чуқур жой олиб, ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлиб, унинг энг яқин кишиларидан бирига айланса, қувончи ва ташвишига шерик бўлишни билса, муаммоли вазиятларда тўғри йўл кўрсатиб, елкадош бўлса, тарбиядан кўзланган мақсадларимизга эришиш осон бўлади. Аксинча, эса ўқувчининг мактабга, дарсга, умуман олганда таълимга бўлган иштиёқи пасаяди, маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини йўқота бошлайди. Бу ўринда мактаб психологининг билим ва малакаси, касб маҳорати муҳим аҳамиятга эгалиги эътиборга олинади.

**Иккинчидан**, ибрат тарбияси — миллий педагогиканинг ноёб дурдонаси бўлиб, ўқувчиларнинг маънавий камолотида ҳар бир педагог шахсий ибрат ва намуна кўрсатиши даркор. Агар ўқитувчи ташқи кўринишдан тортиб хулқ-атворигача ўқувчига ибрат бўла олса, ўқувчига ташқаридан маънавий идеал қидиришнинг ҳожати қолмайди.

**Учинчи жиҳат** мактаб ҳаёти ўқувчи ҳаётининг асосий қисмини ташкил этиши билан боғлиқ. Мактабда ўтган ҳар бир соат ўқувчи учун мазмунли ва мароқли бўлиши лозим. Бунга эса сифатли дарс, синфдан ва синфдан ташқари тадбирлар, фан, спорт ва ижодий тўгараклар фаолиятини тўғри ва мақсадли ташкил этиш орқали эришиш мумкин. Мактаб ҳаётининг ўқувчи учун ҳар томонлама жозибали бўлиши давомад пасайиши, дарсда қатнашмай, кўча-кўйда юриши оқибатида бирор кўнгилсиз ҳолатлар юз беришининг олдини олади. Бошқача айтганда, ўқувчи мактабга мажбуран эмас, талпиниб келиши керак. Бунинг учун ҳар бир ўқувчига такрорланмас шахс сифатида қарашимиз, ундаги ижобий фазилатларига, туғма лаёқатига таянган ҳолда ҳар бир болада ўзига ишонч, ўзига ҳурмат, ғурур ҳисларини шакллантиришимиз, ўз олдига мураккаб вазифалар қўйиб уларни ечишда иродани мустаҳкамлашга эътиборни кучайтиришимиз керак.

**Тўртинчидан,** ахборот ва ахборот-коммуникация технологиялари асрида яшар эканмиз, ўқувчиларда ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини шакллантириш биз педагоглар олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Ўқувчи ахборотни қайси манбадан олишидан қатъи назар, уни тўғри таҳлил ва талқин қилишга ўргатишимиз лозим. Унга ҳар қандай салбий мазмундаги ахборотни қиёслаши, тўғрини нотўғридан, оқни қорадан ажратиши учун муқобил ахборотни ўз вақтида беришнинг муҳим аҳамияти бор. У интернет орқали қимматли маълумотлар билан бирга шахс маънавиятига салбий таъсир этувчи, баъзан шахснинг менталитетига катта путур етказувчи материаллар билан танишиб қолади. Бундай ҳолатда бола маълумотни ўз ақл “ғалвир”идан ўтказа олиши керак.

**Бешинчидан**, тарбиявий соатлар мавзуларининг энг долзарб масалаларга бағишланиши, қуруқ панд-насиҳатдан кўра тарбияга таъсир этувчи салбий иллатларнинг асл моҳиятини таҳлиллар, қиёслаш ва ҳаётий мисоллар ёрдамида, зарур бўлса мутахассислар иштирокида очиб бериш мақсадга мувофиқлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Дейлик, интернет ва уяли алоқа воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатиш, ўқувчиларда кийиниш маданиятини шакллантириш “оммавий маданият” элементлари (хорижий эстрада намуналари, бадиий асарлар, кино ва мультфилмлар қаҳрамонлари, “эмо” ёки “готлар” каби субмаданиятлар вакиллари, татуаж, пирсинг ва шу кабилар)га кўр-кўрона тақлид қилишининг олдини олиш, соғлом эътиқод билан ақидапарастлик ва миссионерлик орасидаги фарқларни тўғри тушунтириш бугунги тарбиявий соатларнинг етакчи мавзуларига айланмоқда.

**Олтинчидан**, ўқувчиларда ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини тарбиялаш маънавий-маърифий ишларнинг асосий мақсад ва йўналишларидан биридир. Айниқса, ўғил бола ўқувчилар ўртасида бу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга алоҳида қаралиб, бу уларнинг ҳам интеллектуал, ҳам жисмоний жиҳатдан баркамол вояга етиши келажакда чинакам Ватан ҳимоячисига айланиши лозимлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон қуролли кучлари тинчлик ва осойишталигимиз гарови эканлиги, ҳарбий бўлиш йигитлар учун шарафли ва нуфузли касбга айланганлигини ўқувчиларга маънавий-маърифий тадбирларда ҳар томонлама тушунтириб бориш, ҳарбийлар, аскар ва зобитлар билан учрашувлар, ҳарбий қисмларга ташрифлар уюштириш фарзандларимизда Ватан ҳимоясига тайёргарлик ҳиссини оширишга хизмат қилади. Бугун ҳаммамизга маълум, Ўзбекистон қуролли кучларига эса ақлан ҳам жисмонан талаб даражасида бўлганлардан саралаб олинади. Шунинг учун ҳам ёшларимизда ҳақли равишда ғурур ҳисси етарли ифодаланаяпти.

> **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 41-модда.**
> *Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.*
> *Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.*
> *Мактаб ишлари давлат назоратидадир.*

**— Шу мавзунинг узвий давоми сифатида яна бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Ҳозирги глобаллашув даврида инсон онги ва қалби учун кураш бормоқда. Айниқса, ҳали ҳар томонлама шаклланиш, ўсиш палласида бўлган ўсмир-ёшлар онг-шуури ана шу курашнинг асосий объекти бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода ёшлар онгида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни маънан баркамол қилиб тарбиялашда асосий эътибор нималарга қаратилмоқда ва бу саъй-ҳаракатларнинг натижалари қандай намоён бўлмоқда?**

— Глобаллашув бугунги кунда бутун инсоният, давлатлар ва жамиятлар ҳаётининг ажралмас таркибий қисмини ташкил этиб давримизнинг муҳим феноменига айланди. Муҳтарам Президентимиз **“Юксак маънавият — енгилмас куч”** китобида глобаллашувга **“...бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви”** деб таъриф бердилар ва **“ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар”** дея таъкидладилар.

Давлатимиз ва Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидaноқ шахс маънавий камолоти ва жамият маънавий юксалишига катта эътибор берилганлиги, фуқаролар, айниқса, ёш авлод онги ва қалбини маънавий ва информацион таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилганлигининг нечоғлик тўғри бўлганлиги бугунги шароитда яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Дарҳақиқат, тизимдаги муассасаларда онги ва тафаккури энди шаклланиб, “оқ-қора”ни таниб, атрофдаги воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаш ва уларга муносабат билдиришни ўргана бошлаган фарзандларимиз таълим-тарбия оладилар. Бу таълимнинг кейинги босқичларидан фарқли ўлароқ, тизимдаги ҳар бир раҳбар ва педагогнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Бугунги кунда халқ таълими тизимидаги маънавий-ахлоқий тарбия фаолиятида ўқувчиларни глобаллашувнинг салбий таъсири ва оқибатларидан сақлаш доимий устуворлик касб этмоқда. Бу жараёнда маънавий, ғоявий ва психологик таъсирнинг мақсади, йўналишлари, қамрови, даражаси, усул ва воситаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга мос чора-тадбирларни ишга солиш масаласига жиддий эътибор берилмоқда.

Янги ўқув йилига тайёргарлик давомида ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ ишларни сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллаштириш бўйича қатор янги вазифалар белгиланди. Шунингдек, айрим фанлардан ўқув дастурларининг миллий менталитетимизга мослигини қайта кўриб чиқиш, уяли алоқа воситалари ва компьютерлардан фойдаланишни таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида тартибга солиш, ўқувчиларнинг халқаро интернет тармоғи билан дарсдан ташқари пайтларда ишлаши устидан мактаб, оила ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ахборот-ресурс марказлари фондини инвентаризациядан ўтказиш, миллий менталитет ва манфаатларимизга мос мазмундаги адабиётлар билан бойитишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳурматли Президентимизнинг **“Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз”** деган сўзларининг мазмун-моҳиятини тизимдаги ҳар бир мутасадди, ўқитувчи ва тарбиячи чуқур ҳис этиши ҳамда тарбиявий ишларни ташкил этиш ва олиб боришда доимий амал қилиши лозим, албатта.

**— Таълимнинг узлуксизлиги таъминланиши баробарида барча ўқув муассасаларида замонавий шарт-шароитлар яратилган. Бу ўз навбатида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг ахборот коммуникация технологияларидан яхши хабардорлигини таъминлашга эҳтиёжни кучайтиради, албатта. Баркамол авлодни тарбиялаш ўқитувчидан ҳам ҳар томонлама билимли, заковатли бўлишни талаб қилади. Булар ҳақда нималар дея оласиз?**

— Вазирлик томонидан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги **“Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”**-ги қарори қабул қилиниши, малака оширишга қўйиладиган Давлат талабларининг тасдиқланиши, унинг турли шаклларини белгилаб берилиши ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасини тизимли йўлга қўйилишида муҳим аҳамият касб этди.

Вазирлигимиз томонидан педагог кадрларнинг малакасини оширишнинг табақалаштирилган тартиби ишлаб чиқилди, унда ўқитувчиларнинг тоифалари, педагогик стажи ва биринчи навбатда таълим олиш эҳтиёжларига мос ҳолда малака оширишнинг турлари ва муддатлари белгиланган.

Ушбу ҳужжатлар асосида 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб раҳбар ва педагог кадрларнинг 4 ҳафта давомида асосий ишдан ажралган ҳолда малака ошириши йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда ҳар йили 90 000 нафарга яқин ўқитувчи республикамиздаги 15 та малака ошириш институтларида билим ва кўникмаларини мустаҳкамламоқда.

Ўқитувчиларнинг илғор ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича чуқур билимга эга бўлишларига қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда вазирлик томонидан 2006-2007 ўқув йили “Ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланишда педагог кадрлар салоҳиятини ошириш ўқув йили” деб эълон қилиниб, бу борада бир қатор ишлар қилинди. Ҳудудий бошқармалар ва малака ошириш институтлари томонидан ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги ва ахборот коммуникация технологиялари бўйича билим, кўникма, малакаларга эга бўлишларини таъминлаш мақсадида тренерлар тайёрлаш ва махсус ўқувлар учун шароит яратилди. Барча ҳудудий малака ошириш институтлари негизида ташкил этилган ўқувларда 732 нафар маърузачи-тренерлар тайёрланиб, улар ёрдамида туман (шаҳар)лар миқёсида 7923 нафар тренер-ўқитувчи тайёрланди. Бу мутахассислар мактабларда белгиланган ўқув режаси асосида ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлиги курсларини ташкил этдилар. Мазкур курсларда 270000 нафардан зиёд ўқитувчилар қамраб олинди.

Вазирлик томонидан ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари ўқув-мавзу режалари қайта кўриб чиқилди, унга “Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш курси”, “Илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш курси”-нинг ҳар бири 18 соат ҳажмда ўқитилиши йўлга қўйилди.

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Таълим секторини ривожлантириш дастури” лойиҳаси доирасида умумтаълим мактаб ўқитувчиларини масофадан ўқитиш орқали малакаларини ошириш тизими ташкил этилмоқда.

Бу мақсадда А.Авлоний номидаги ХТХҒТМОМИ таркибида масофадан ўқитишни ривожлантириш маркази, 14 та ҳудудий малака ошириш институтлари таркибида Масофадан ўқитишнинг ҳудудий мувофиқлаштириш марказлари ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаблар қошида масофадан ўқитишнинг таълим ресурс марказлари ташкил қилинди. Мазкур ресурс марказларини замонавий кимё, физика, биология лабораториялари асбоб-ускуналари ва жиҳозлари, компьютер ва лингофон синф хоналари, махсус мебеллар ва нусха кўпайтириш техникалари билан жиҳозлаш ишлари якунланмоқда.

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” лойиҳаси доирасида 860 та етакчи кластер мактабларини танлаб олиб, уларни компьютер ва қўшимча қурилмалар билан таъминлаш, мактабларнинг 5-9-синфларида ўқув предметларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг билим савиясини кўтариш, ўқитиш ва ўқув жараёнини енгиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш кўзда тутилади.

Юқоридагилардан ташқари, Халқ таълими тизимидаги вилоят ва туман раҳбарларини Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг қисқа муддатли махсус ташкил этиладиган интенсив курсларидан ўтказиш режалаштирилган.

**— Ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз, аввало, аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан ўз самараларини беради. Шу мақсадда Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ўртасида тузилган ҳамкорлик режаси асосида бир қатор ишлар қилинмоқда. Ўқувчилар ҳуқуқий тарбиясини яхшилашнинг ҳаётий аҳамияти ва бу борадаги амалий ишлар ҳақида сўз юритсангиз.**

— Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурида таъкидланганидек, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим мукаммаллигининг ифодасидир.

Ҳуқуқий таълимнинг асосий мақсадларидан бири кучли ҳуқуқий демократик давлат қуришда ёшларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларда қонунларга ҳурмат ҳиссини мустаҳкамлаш, қонунни ёшларимизнинг дастуруламалига айлантириш, жамиятда уларнинг ҳуқуқий фаолликларини таъминлашдан иборатдир.

Таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш мақсадида ҳуқуқий таълим модели яратилиб, унга кўра мактабгача таълим муассасаларида **“Конституция сабоқлари”**, умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-4-синфларида **“Конституция оламига саёҳат”**, 8-синфида **“Давлат ва ҳуқуқ асослари”**, 9-синфида **“Конституциявий ҳуқуқ асослари”**, 10-11-синфларида **“Ҳуқуқшунослик”** фанлари ўқитилмоқда. Мазкур фанларнинг методик таъминотини амалга ошириш мақсадида дарсликлар ва махсус методик адабиётларни яратиш бўйича ҳам кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар ўртасида 4 босқичдан иборат **“Сиз қонунни биласизми?”**, **“Конституциямиз — бахтимиз пойдевори”**, **“Президент асарлари билимдони”** каби кўрик-танловлар, **“Тарихни билмай, келажакни кўриб бўлмайди”**, **“Аждодларга муносиб авлод бўлайлик”** мавзуларидаги иншолар танлови, **“Конституциямиз — бахтимиз қомуси!”** шиори остида ҳуқуқий маданият ойликлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда талаба ва ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик режаси амалиётга изчил йўналтирилган. Мазкур режага мувофиқ вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлиги, “Камолот” ЁИҲ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар белгиланган жадвал асосида амалга оширилаяпти. Хусусан, шу кунгача 70 тадан ортиқ давра суҳбатлари ва турли тадбирлар ташкил қилинди.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”**ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларининг 5-9 синфлари учун “**Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги”** ҳамда 1-4 синфлар учун **“Бизнинг ҳуқуқлар”** мавзуидаги услубий қўлланмалар Б.Дониёров, Н.Исматова, Ғ.Зулунов, Ш.Сариковлар муаллифлигида яратилиб, вазирлик тавсияси билан чоп этилди. **“Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сенинг ҳуқуқларинг ва бурчларинг”** мавзуида 100 000 нусхада нашр қилинган ёшлар учун ҳуқуқий эслатмалар таълим муассасаларига бепул тарқатилди. Шу ўринда ўғил-қизларимизнинг ҳуқуқий билимларни пухта ўрганишга иштиёқи баланд эканлигини алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, ёнимизда улғаяётган келажак ворисларининг маънан тарбияли бўлиши ҳар бир юртдошимиз учун муҳим саналади. Зеро, ёшлар — истиқболимиз, юртимиз эртаси, мустақил Ватанимиз равнақи уларнинг ёркин иқболида намоён бўлади.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**“Инсон ва қонун” мухбири**
**Дилором МАТКАРИМОВА**
**суҳбатлашди**

# Эркин ахборот алмашинуви

## сайлов жараёнининг адолатли ўтишини таъминлайди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

барча босқичларида фуқароларнинг умумий хабардорлигини, ҳуқуқий ахборотлаштириш, уларнинг ушбу сиёсий тадбирдаги фаоллигини, бир сўз билан айтганда, мазкур жараённинг демократик асосларда ўтишини таъминлашнинг муҳим бўғини сифатида майдонга чиқади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясини ёритиб бориш, сайловларнинг адолатли ҳамда қонуний ўтишига билвосита кўмаклашиш имконияти ҳуқуқий кафолатланган. Бинобарин, ушбу кафолатлар оммавий ахборот воситаларининг сайлов тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлари, мақсад ва вазифалари, бурч ҳамда масъулияти билан ўзаро уйғунлик касб этади.

Дарҳақиқат, мазкур жараённинг тўлақонли фаол иштирокчиси сифатида қатнашадилар:

***биринчидан,*** сайловчиларга мазкур демократик ҳуқуқларни қай тартибда амалга оширишга ўргатиш. Бунда оммавий ахборот воситалари вакиллик органлари сайловининг мазмун-моҳияти ва унинг мамлакатимиз кейинги ижтимоий-сиёсий тараққиётидаги аҳамияти ҳамда сайловлар юзасидан миллий амалиётимизнинг хусусиятлари ва бу борадаги хорижий тажриба ҳақида кенг кўламли ахборот ва маълумотлар бериб борадилар;

***иккинчидан,*** **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”**ги Қонуннинг 6-моддасига кўра, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлиги тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиб боради;

***учинчидан,*** депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партияларга ўз сайловолди дастурларини электоратга етказиш учун минбар вазифасини ўтайди. Таъкидлаш жоизки, **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”**ги Қонуннинг 27-моддасига биноан, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партиялар томонидан амалга ошириладиган сайловолди ташвиқоти муҳим аҳамият касб этадиган босқич ҳисобланади. Ушбу фаолиятни амалга оширишда ОАВга кенг ўрин берилади. ОАВ ўзининг эфир вақти ёки саҳифасини тегишли сайлов субъектларига тақдим этар экан, бунда сайлов қонунчилигининг ҳар қандай партия, гуруҳ ва шахсий манфаатлардан устунлигини эътироф этиши, ана шу ҳуқуқий воситалар негизида юзага келадиган ҳалол сиёсий рақобат, сиёсий одоб доирасидаги адолатли баҳсларда сайлов кампанияси субъектларининг ижтимоий масъуллигига эътиборни қаратиши, уларнинг ёлғон шиорлардан фойдаланишига, аҳоли ўртасида сунъий равишда ишончсизлик юзага келишига шарт-шароит яратиб бермасликлари лозим.

Бинобарин, сайлов жараёнида ОАВнинг тегишли субъектлар учун ошкоралик ва очиқлик муҳитини яратишга кўмаклашиши ва улар билан боғлиқ ҳар қандай очиқ ахборотни тезкорлик билан, ҳаққонийлик, тенглик ва холислик асосида тарқатишлари назарда тутилади;

***тўртинчидан,*** ОАВ давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларининг бориши жараёни устидан жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширади. Сайлов жараёнининг бориши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг асосий усулларидан бири жамоатчиликни мазкур органлар фаолияти тўғрисида очиқ ва ҳаққоний хабардор этиш ҳисобланади. Бинобарин, улар сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда сайловлар жараёнида ижтимоий мувозанатни юзага келтириш вазифасини ўтайдилар.

Оммавий ахборот воситалари сайлов комиссиялари фаолияти тўғрисида фақат расмий маълумотларни бериш билан чекланиб қолмасдан, балки **қуйидаги йўналишлар асосида** фаолият юритиши орқали ҳам ушбу жараённи сайловчилар учун тушунарли ҳамда холис ёритиш оммавий ахборот воситаларининг муҳим вазифаси саналади.

*(Давоми келгуси сонда)*

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлари номзоди**

---

Сайлов ва ёшлар

# “Илк бор овоз бераман”

ЎТГАН САЙЛОВЛАРДА ота-онамга сайловдан чақирув қоғози келганида дадамдан қизиқиб нималигини сўраганман, ўшанда улар бир сўз билан бу қоғоз ҳар бир фуқаронинг сайловда иштирок этиши учун масъуллигини англатади, деганларида мен сайловларнинг жамият ҳаётида қанчалик муҳим эканлигини ўзимча тушунганман. Шундай кунларда дадам онам билан биргаликда сайловга кетарди. Акам ҳам сайловга кетишидан олдин менинг синглим бир кун улғайиб, сайловларда иштирок этади, дерди. Ўшанда уларга жуда ҳавас қилардим.

16 ёшга кирганимда менга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти берилганида, яна бир бора шу юртнинг тўлақонли фуқароси эканлигимни ҳис қилдим. Бу йил мен 18 ёшни қарши олдим.

Қолаверса, мен бу йил биринчи марта сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдим.

Бу йилги сайловларда илк бор иштирок этаётганлигимдан фахрланаман.

**Дилрабо САЙДУЛЛАЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

---

Сабоқ

**МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ давлат бошқарувида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини судлов йўли билан ҳимоя қилишни назарда тутувчи ҳуқуқий институтдир. Миллий қонунчилигимизга мувофиқ давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан фуқароларнинг бевосита судларга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади.**

# Маъмурий юстиция

## ривожланишининг асосий йўналишлари

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА **“Маъмурий юстицияни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари”** мавзуида ўтган учрашувда шу ҳақда батафсил сўз борди. Унда ТДЮИ катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Ғуломжон Ҳакимов маъмурий юстиция соҳасидаги халқаро тажрибалар ва миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий асослар ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнлари хусусида таҳлилий мулоҳаза юритди. Суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил давом этаётганлиги маъмурий юстиция йўналишидаги фаолиятнинг такомиллашувига ҳам хизмат қилишини таъкидлади.

**Муҳаммад ТОШЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

---

Ижро

# Дисклар йўқ қилинди

## Улар республикага ноқонуний олиб кирилган эди

**ЯҚИНДА Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти ва унинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар иштирокида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Чилонзор ва Учтепа тумани судининг 2009 йил сентябрь ойидаги ажримларига кўра 19 та ижро ҳужжати бўйича жами 176.549 дона 272.482.600 сўмлик DVD, CD, MP3 дисклари йўқ қилиниши амалга оширилди.**



ҲУҚУҚНИ муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилган тадбирлар натижасида бир неча фуқаро томонидан муаллифлик ҳуқуқларини бузиш, савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда лицензиясиз шуғулланиш жиноятлари қасддан содир этилганлиги аниқланди ва улар Жиноят кодексининг 149, 188, 189, 190-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, мазкур жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги томонидан берилган эксперт хулосаларига кўра, тақдим қилинган дисклар, чет эл муаллифларига тегишли бўлган аудиовизуал асарлар Ўзбекистон Республикаси **“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”**ги Қонунининг 6-моддасига кўра муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади ва қонунга мувофиқ муҳофаза қилинади.

Шунга кўра, тақдим қилинган дисклар **контрафакт** ҳисобланиб, асар муаллифларининг ҳуқуқлари бузилган ва муаллифлик ҳуқуқлари объектларига зарар етказилган ҳолда амалга оширилган.

Суднинг ажримига асосан DVD, CD, MP3 дисклари йўқ қилиниши тадбирида Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги, Тошкент шаҳар прокуратураси, Тошкент шаҳар ДСБ, Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Тошкент шаҳар СВОЖЖДЛККД, Чилонзор тумани ДСЭНМ, Чилонзор тумани ДСИ, “Дўмбираобод савдо” МЧЖ савдо ташкилоти ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

**Республика Суд департаменти матбуот хизмати**

---

Назорат

# Хат ортида инсон бор

## фуқароларнинг мурожаатлари қонуний ечимини топиши лозим

**БУГУН фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги анча юқори. Янада аниқроқ айтганда, фуқаролар эндиликда ариза ёзишдан олдин ўзи қандай ҳуқуқларга эгалигини, кимга мурожаат қилишни яхши билади.**

БУГУНГИ КУНДА вилоят прокуратураси органлари фуқароларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган 9 ой мобайнида келиб тушган мурожаатлар сони 3454 тани ташкил этди. Уларнинг 1834 таси бошқа муассасалар ҳал этиши лозим бўлган мурожаатлардир. Бироқ масъул раҳбарлар томонидан мурожаатлар юзасидан тегишли чоралар кўрилмаганлиги, уларга жавоб берилмаганлиги сабабли шикоятчилар вилоят прокуратураси органларига мурожаат этишга мажбур бўлганлар.

Ҳал этилган 1578 та мурожаатнинг 276 тасида келтирилган важлар асосли бўлганлиги сабабли улар қаноатлантирилди. Бундан ташқари, 317 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Таассуфки, баъзи фуқаролар ишончсизлик боисми ёки бошқа сабабми бузилган ҳуқуқларининг тикланишини сўраб тўғридан-тўғри пойтахт миқёсидаги идораларга мурожаат қиладилар. Бундай ҳолатда вақт кўп кетади. Оддий бир мисол: Айрим ҳолларда тан жароҳати етказганлик ёки номусга тегканлик ҳолати бўйича зудлик билан ҳудудий ваколатли орган ҳисобланган ички ишлар бўлими ёки прокуратура органларига мурожаат этишмасдан тўғридан-тўғри республика миқёсидаги идораларга мурожаат этишади. Мурожаат етиб бориши, тегишли идорада расмийлаштирилиб, қабул қилиниши, ҳужжатлаштирилиши ва яна ҳудудийлик бўйича ҳал этиш учун юборилиши орасида вақт бой берилади.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида юқори турувчи органларга 1748 та мурожаат этиш ҳолати қайд этилган. Масалан, Пахтакор тумани, А.Икромов номли СФЙда яшовчи фуқаро Р.Нургалиева 2007 йил июль ойида шу уюшмадаги “Арча мойи” фермер хўжалиги раиси Қ.Якубовга 2 тонна 150 кг буғдой олиш учун пул беради. Қ.Якубов эса аёлга пулни олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб беради. Бироқ Р.Нургалиева келишилган буғдойни ўз вақтида ололмайди. Қ.Якубов эса буғдой беришни пайсалга солиб келаверади. Бундан норози бўлган Р.Нургалиева ёрдам беришларини сўраб Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий марказига ариза билан мурожаат этади. Ариза тааллуқлигига кўра ҳал этиш учун марказ томонидан вилоят прокуратурасига юборилади. Ариза атрофлича ўрганилди. Натижада, Р.Нургалиеванинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига 945.000 сўм пулни жавобгар Қ.Якубовдан ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди ва бу ҳақда ариза муаллифига маълум қилинди.

**“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”**-ги Қонуннинг 6-моддасида фуқароларнинг мурожаатларига қўйиладиган талаблар кўрсатилган. Унга кўра, мурожаатларда фуқаронинг фамилияси, (исми, отасининг исми) яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган, шунингдек, ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Унга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқаро оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши керак.

Фуқарони қабул қилиш, агар унинг бир неча бор қилган мурожаатини асоссиз, қонунга хилоф хусусиятда бўлса ёки унинг мурожаати бўйича қарор қабул қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Мурожаатнинг тилини тушунмаслик мурожаатни қабул қилмаслик ҳуқуқини бермайди. Бундай ҳолларда давлат органи таржимон ёки мутахассис хизматини таъминлаши керак.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, фуқаро қонунга хилоф тарзда ариза, таклиф ва шикоят берганлиги учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Зеро, Қонуннинг 26-моддаси айнан шу хусусида бўлиб, фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида ҳам туҳмат қилганлик, яъни бошқа шахсни бадном қилувчи ёлғон маълумотларни била туриб тарқатганлик учун жарима белгиланган. Фуқаро маъмурий жазо олгандан сўнг ҳам худди шундай ғайриқонуний ҳаракатни содир этса, Жиноят кодексининг 139-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, вилоят прокуратура органлари томонидан **“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги Қонун ва унинг ижросини ўрганиш натижаси вилоят миқёсидаги барча масъул раҳбарлардан бу борадаги ишларни яна бир бор кўриб чиқишлари лозимлигини тақозо этади. Зеро, фуқароларнинг мурожаатларига ҳар бир мансабдор шахс масъулият билан ёндашиши бугуннинг энг долзарб талабларидандир.



**Гулнора ҲАМРОЕВА,**
**Жиззах вилояти прокуратурасининг бўлим бошлиғи**

---



# Тадбирлининг тўғри йўлига

## ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди

Адлия ёрдам берди

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилиши юзасидан зарурий чоралар кўрилмоқда.**

2009 ЙИЛДА ҳам мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор ҳуқуқий асослар яратилганлигини ва бу борада амалий чора-тадбирлар кўрилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги **“Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги 1-сонли, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2-ярим йиллик иш режасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар асосида зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, адлия органларига 2009 йилнинг 9 ойи давомида тадбиркорлардан жами 1392 та шикоят келиб тушган. Шикоятларнинг 1118 таси кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилди, 168 таси эса тегишлилигига кўра бошқа идораларга юборилди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Бухоро вилояти адлия бошқармасига “Шофиркон” аудиторлик фирмаси раҳбари Р.Очилов мурожаат этиб, унда туман ҳокимлигининг бош мутахассиси Р.Адизов томонидан унинг фирмасига тегишли бўлган нотурар жойни турар жойга ўтказиб бериш тўғрисидаги 2009 йил 4 июнь ва 17 июнь кунларидаги мурожаатлари асоссиз равишда рад этиб келинаётгани маълум қилинади. Ушбу ҳолат юзасидан адлия органи томонидан Шофиркон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Шарипов ва бош мутахассис Р.Адизовга нисбатан МЖтКнинг 43 ва 241-моддаси билан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома 2009 йил 21 июлда жиноят ишлари бўйича Шофиркон тумани судида кўриб чиқилиб, уларнинг ҳар бирига жарима жазоси тайинланди.

Шунингдек, Навоий вилояти Томди тумани ҳокимлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган **“Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”**ги Низом талабларига зид равишда 2009 йил 12 мартда “Бегимбет Орисқудуқ” кичик корхонасига улгуржи савдо фаолияти учун лицензия беришда унинг товар айланмаси тўғрисидаги маълумотнома ортиқча талаб қилиб олинганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан 2009 йил 4 сентябрда Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан туман ҳокимлиги бўлим бошлиғи А.Жалилкаповга ва ҳуқуқшунос Т.Данлибаевга нисбатан ҳайфсан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Шунингдек, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ва кенг жамоатчиликка унинг мазмун ва моҳиятини етказиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида адлия органлари ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 675 маротаба оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар амалга оширилди. Жойларда 1596 та семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишларни ёритиб бориш мақсадида маҳаллий телевидениелар орқали 176 маротаба **“Тадбиркорлар — адлия ҳимоясида”** номли кўрсатув ташкил этилди. Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув ҳамда улар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олишда “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”нинг жорий қилинганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу китоб билан ҳозирги кунда 300 мингдан ортиқ тадбиркорлар таъминланганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Қолаверса, Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорларнинг эҳтиёжлари ўрганилиб, қўшимча равишда яна 22 минг дона китоб чоп эттирилди ва ҳозирда жойлардаги тадбиркорлик субъектларига етказиб берилиши таъминланмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилган тарғибот ишлари натижасида ҳисобот даврида адлия идораларидаги мавжуд **“Ишонч телефонлари”**га жами 1743 та мурожаат келиб тушган. Шулардан 943 таси тадбиркорларнинг мурожаатлари бўлиб, уларнинг 744 таси қаноатлантирилди.

**Даврон ҚАЛАНДАРОВ,**
**Шоҳбол ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходимлари**

## Ёруғ хиёбон

# Яхши яшаш сири

Ог МАНДИНО,
Америка адиби



(Давоми. Аввали олдинги сонда)

### ЯХШИ ЯШАШ ҚОИДАЛАРИ

### *ИККИНЧИ ҚОИДА:*

Яхши яшаш учун...

Бугун ва ҳар куни сизга ҳақ тўланганидан кўпроқ иш қилинг. Агар сиздан кутганларидан кўра кўпроқ иш қилиш нечоғли муҳим эканлигини англаб етсангиз, муваффақиятнинг ярим лаззатини туясиз. Сизнинг ишингизни шу қадар юқори баҳолашсинки, бора-бора сизни энг керакли ходим сифатида тан олишсин. Ишга қўшимча куч сарфлаш ҳуқуқингиздан фойдаланинг ва бунинг эвазига берилган мукофотга қувонинг. Сиз унга лойиқсиз!

Мен почта маҳсулотлари билан савдо қилувчи аксарият дўконларнинг пештахталаридан тобора кўп ўрин олаётган ҳазил табрикномаларни титкилашни жуда ёқтираман. Балки мен бундай табрикномаларни ўз таниш-билишларимга керагидан ортиқроқ юбораётгандирман. Менга айниқса **"Қандай қилиб пул топиш мумкин?"** деган сўзлар чиройли рамкага олинган акциядорлик сертификати кўринишидаги табрикнома кўпроқ ёқади. Унинг ўртасида тўқ сариқ рангда катта қилиб: **"БОРИБ ИШЛА!"** деб ёзилган.

Ҳаётда ҳамма нарсанинг ўз баҳоси бор. Агар сиз болалигидан ҳамма нарсага эга бўлган кам сонли кишилар тоифасига мансуб бўлмасангиз, унда сизга зарур буюм ва хизматлар эвазига ҳақ тўлашингизга фақат бир нарса – пешона тери билан топилган пул ёрдам беради.

Сиз бу фикримни маъқуллаб бош иргаяпсиз-у, аммо негадир юз-кўзингизда маъюслик ифодаси зоҳир. Нима, тўлаш лозим бўлган сон-саноқсиз чеклар билан олишаяпсизми? Хизмат бўйича жуда суст илгарилаяпсизми, анчадан бери юқори лавозимга кўтарилганингиз йўқми? Янги уйга кўчиб ўтмоқчисиз-у, аммо буни чўнтагингиз кўтармайдими? Алмисоқдан қолган машинангиз тўхтилиб бораяпти-ю, аммо янгисини сотиб олишга сизда имконият йўқми? Турмушингиз соатма-соат белгилаб чиқилгандай бўлиб туюлаяптими? Хўш, бу сеҳрланган қобиқдан қандай қутилиб чиқиш мумкин? Бунинг чораси борми?

Чораси бор. Истаган одам билан баҳс бойлашаманки, бу чора, аниқроғи – оддий қоида ҳали ҳеч кимга панд бермаган. Агар сизнинг хизмат мартабангиз ҳақида гапирадиган бўлсак, бу борада муваффақиятга эришишнинг энг буюк сирини Исо алайҳиссалом бундан икки минг йил муқаддам, тоғ чўққисидан туриб айтган эди: **агар сизни бир чақирим йўл босишга мажбурласалар, сиз икки чақирим йўл босишингиз зарур. Муваффақият сири мана шу қўшимча чақиримда.**

Агар сиз эртадан бошлаб ўз ишингизга талаб этилганидан озгина кўпроқ куч сарфлашга бел боғласангиз, агар ҳар куни ўзингиз учун белгиланган меъёрдан озгина оширадиган бўлсангиз, тез орада яхши томонга жиддий ўзгаришлар рўй беради.

Ўзни азоб-укубат ва муваффақиятсизликларга тўла турмушга маҳкум этишнинг энг осон йўли – бу фақат ойлик маош билангина қопланувчи зарур **иш минимумини бажаришдир.** Тўғри, қўшимча уринишлар сизнинг йўқ жойда мартабага эришиш истагида бўлган **ҳамкасбларингизга ёқмаслиги мумкин...** Аммо бу ҳақда сиз эмас, улар бош қотиришсин. Сиз ўз ҳаётингиз билан яшанг. **Сизга муҳтож одамлар борлигини унутманг!** Агар сиз ҳар куни талаб этилганидан кўпроқ иш бажарадиган бўлсангиз, тез орада фақат ўз мавқеингизни мустаҳкамлаб қолмай, жуда керакли инсонга айланасиз. Атрофингизда ҳар қадамда янги-янги имкониятларни кўрасиз ва охир-оқибат ўз меҳнатингизнинг баҳосини ўзингиз белгилай оласиз. Бу жуда оддий қоида. Қўшимча бир чақирим йўлни босиб ўтинг! Бу сизга бир центга тушмайди, аммо турмушингизда жиддий ва узилкесил ўзгаришлар ясайди.

Эндрю Карнегининг фикрича, бутун умри мобайнида ҳеч нарсага эриша олмайдиган **икки тоифа одамлар бор.** Биринчиси, булар қилиш керак бўлган ишларни қилмайдиган одамлар, иккинчиси эса, қилиш керак бўлганидан ортиқ ҳеч нарса қилмайдиган одамлардир. Уолтер Крайслердан унинг автомобиль заводи кўпроқ нимага муҳтож эканлиги ҳақида сўрашганида, у: **"Менга иш вақти тугаганлиги ҳақидаги гудокни эшитмайдиган ёки вақтни соатга қараб билмайдиган ўнта яхши ишчи керак"**, деб жавоб берган эди.

Атрофингиздагиларни ҳайратга солинг. Ўзингизнинг ишдаги одатларингизни ўзгартиринг. Қўшимча бир чақирим йўлни босиб ўтинг! Бу муваффақият кетидан қувиб оиланигиз ёки соғлиғингиздан айрилишингизга тўғри келишини англатмайди. Бу ҳаётдан сизга аталган худди абадий яшамоқчи бўлгандек ишланг ва худди бугун умрингизнинг охирги кунидек яшанг.

### ХУЛЛАС, ИККИНЧИ ҚОИДА:

Бугун ва ҳар куни сизга ҳақ тўланганидан кўпроқ иш қилинг. Агар сиздан кутганларидан кўпроқ иш қилиш нечоғли муҳим эканлигини англаб етсангиз, муваффақиятнинг ярим лаззатини туясиз. Сизнинг ишингизни шу қадар юқори баҳолашсинки, бора-бора сизни энг керакли ходим сифатида тан олишсин. Ишга қўшимча куч сарфлаш ҳуқуқингиздан фойдаланинг ва бунинг эвазига берилган мукофотга қувонинг. Сиз унга лойиқсиз!

**Рус тилидан
Асрор МЎМИН,
Баҳодир КОМИЛ
таржимаси
("Жаҳон адабиёти"
журналининг
7-сонидан олинди)**

*(Давоми бор)*

---

Жараён

# Тадбиркорлик ривожи

## учун имкониятлар етарли



**ТАДБИРКОРЛИКНИ янада ривожлантириш орқали мамлакатимизда янги иш жойлари шакллантирилмоқда.**

СОЛИҚ соҳасида берилаётган имкониятлар ишбилармонлар учун қўл келмоқда. Жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизгача, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизгача пасайтирилди. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган банк — "Микрокредитбанк" ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдиришга кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди.

Вилоятимиз ҳудудида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг сони кундан кунга ортиб бормоқда. 2009 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 6578 нафар якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро давлат рўйхатидан ўтказилиб, шундан 4881 нафари тадбиркор сифатида фаолият кўрсатмоқда. Улардан 2009 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 2427,7 минг сўм солиқ ва 943,1 миллион сўм суғурта бадали бюджетга ундирилиши таъминланди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Тадбиркорлик субъектларини тегишли органлар орқали зудлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳисобига деярли 281 миллион сўм, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳисобига эса 430 миллион сўм солиқ ундирилди. Асосан, телерадио аппаратлари ва телекоммуникация анжомларини ўрнатиш ва таъмирлаш, сартарошлик ва бичиш-тикиш хизматлари ҳисобига кўп миқдорда солиқлар бюджетга тўланди.

**Умрбек РАҲИМОВ,
Хоразм вилояти
Давлат солиқ бошқармаси
шўъба бошлиғи**

---

**Навоий вилояти адлия бошқармаси Хатирчи туманидаги давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Чироқчи туманидаги давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Косон туманидаги давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.**

**Навоий вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-436) 223-01-38, 225-93-63
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-375) 223-01-62, 223-01-67, 223-01-76**

---

Фалокат оёқ остида

# Тўқнашув

## содир бўлмаслиги мумкин эди



**ТОНГ САҲАР соат 6 ларда Орифжон Абдиев одатдагидек автожамланмага етиб келди. "Бонус-Икар" шўъба корхонаси томонидан унга бириктирилган "ПАЗ 21054" русумли 10 ВВ 440 давлат рақамли автобусни техник кўрикдан ўтказди. Тиббий кўрик ҳайдовчининг ҳолатини бенуқсон баҳолади.**

— ҲАЙДОВЧИЛИК гувоҳномангиз, огоҳлантириш талонингиз, автобус техпаспорти — ҳаммаси жойида. Фойдаланиш бўлими муҳандиси Ёқуб Байрамов кўрсатмасига асосан "Вилоят мудофаа бўлими — Қоракўл тумани мудофаа бўлими" йўналиши бўйича йўлга чиқасиз. Мана, йўл варақангиз, — деди Бухоро шаҳридаги 2533-сонли автожамланма навбатчи нозими Расул Муҳаммедов.

Орифжон Абдиев Қоракўл тумани мудофаа бўлимидан тахминан соат 15 ларда чақирилувчилар ва офицерлар — жами 22 йўловчини вилоят мудофаа бошқармасига олиб келди.

Соат 18 ларда чақирилувчилар ва офицерлар ўтирган автобус Қоракўл тумани сари йўл олди. Орадан хиёл фурсат ўтиб, чор атрофни қоронғулик қоплади. Орифжон бошқарувидаги автобуснинг яқинни кўрсатувчи чироқларини ёқди. Автобусни йўлнинг ўртасидан бошқариб бораётганлиги учун чап ва ўнг томонидан турли русумдаги автомашиналар уни қувиб ўтарди. Айни пайтда ҳайдовчи Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг тарафлама ҳаракатланиш тартибига амал қилмаётган эди. Автобус бошқарувчиси тўрт ва ундан ортиқ бўлакли, ҳаракат икки томонлама бўлган йўлларда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган бўлакларга чиқиш тақиқланганлигини ёдидан чиқарганди. Ҳатто, транспорт воситаси, юкнинг хусусияти, ҳолатини, йўл ва обҳаво шароитини ҳисобга олмади.

Ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олганда транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариш талаб этилади. Ҳаракатланиш пайтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши шарт.

Афсуски, Орифжон Абдиев йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, ўз ҳаракат йўналиши бўйича йўлнинг қарма-қарши йўналиш қисмига ўтиб, унга нисбатан ҳаракатланиб келаётган фуқаро Илёс Умаров бошқарувидаги "Тико" русумли 21 K 57 60 давлат рақамли автомашина билан тўқнашиб кетди.

"Тико" русумли енгил автомашина йўловчиси Абдураззоқ Бобомуродов воқеа жойида оламдан ўтди. Ҳайдовчи Илёс Умаров оғир тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди. Автобусдаги йўловчилардан ҳеч ким жиддий жароҳат олмади. Хўш, фожиа содир бўлмаслиги мумкин эдими?

Албатта, мумкин эди. Агар...

Орифжон Абдиев автожамланма фойдаланиш бўлими муҳандиси Ёқуб Байрамов ва навбатчи нозим Расул Муҳаммедов билан ўзаро келишиб, тил бириктириб Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлда қабул қилинган **"Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳаралараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори талабларини қўпол равишда буздилар. Яъни, автожамланма масъул ходимлари шаҳар атрофи йўналиши бўйича йўловчиларни ташишга лицензия варақаси бўлмаган "Бонус-Икар" шўъба корхонаси ҳайдовчиси Орифжон Абдиевга "Вилоят мудофаа бўлими — Қоракўл тумани мудофаа бўлими" йўналиши бўйича 513-сонли йўл варақаси ёзиб беришган.

Тергов чоғида Ёқуб Байрамов ўша куни автожамланмада мавжуд бўлган "ПАЗ" русумли автобусларнинг бир қисми йўналишларга чиқиб кетганлигини, қолган қисми эса носоз ҳолатда эканлигини рўкач қилди. Расул Муҳаммедов фойдаланиш бўлими муҳандиси Ёқуб Байрамовнинг оғзаки кўрсатмасига асосан йўл варақасини ёзиб берганлигини баён этди. Ҳайдовчининг ўзи эса Бухоро шаҳар ичида "2" йўналиш, яъни "Карвон бозори — 6-кичик туман" бўйича қатнаб юрганлигини, унинг шаҳардан ташқарида хизмат кўрсатиши мумкин эмаслигини билмаслигини, бу масала билан раҳбарият шуғулланишини айтиб ўтди. Суд дастлабки тергов ва суд терговида жабрланувчилар ва гувоҳлар кўрсатувларига, бошқа рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар, далиллар йиғиндисига асосан уларнинг важларини жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида қилинган ҳаракат, деб баҳолади.

Суднинг қора курсисида ўтирган Орифжон Абдиев, Ёқуб Байрамов, Расул Муҳаммедовларга нисбатан адолатли ҳукм ўқилди. Одамлар тақдирига бефарқлик, қонун-қоидаларни писанд қилмаслик, келишувчанлик, ҳушёрликни қўлдан бой бериш, масъулиятсизлик тайинланган жазода одилона ифодасини топди.

Ҳаёт — тенгсиз саодат. У азобуқубат ҳам, роҳат-фароғат ҳам эмас. У зиммамиздаги ва биз виждонан охирига етказишимиз зарур бўлган бурчдир. Афсуски, орамизда бу ҳақиқатни ўзича тушунадиган одамлар бор.

**Ҳасан ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Жондор тумани суди раиси,
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири**

---

## Турмуш чорраҳаларида

**ИНСОН ҳаётида турли хил вазиятларга дуч келади. Оғир дамларда бир-бирини қўллаш, мадад бўлиш халқимизга хос бўлган инсонийлик фазилатлардан. Хусусан, моддий ёрдамга муҳтож бўлиб қолган ёру биродарларига беминнат, холисона қарз бериш ҳам олижаноблик саналади. Лекин фуқаролар ўртасидаги қарз олди-берди битимини қонуний расмийлаштириш шарт бўлган ҳолатлардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.**

# Ким ўғри-ю, ким тўғри?

## Қонунни билган қоқилмайди

**"НОТАРИАТ ТЎҒРИСИДА"**ги Қонунга кўра, қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун нотариус қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзади... Амалдаги мавжуд қонунларга амал қилмаслик, яъни ҳар қандай ноқонуний иш ортиқча ташвиш келтириши тайин.

Эшназар анчадан бери амакиваччасининг томорқаси четида саф тортиб турган теракларни кўз остига олиб юрарди. Бугун Матназарнинг ўғли билан кесилган теракларни пўстлоғидан тозалаётганини кўриб, ичи ёниб кетди. Кетаётган йўлидан тўхтаб, улар томонга яқинлашди.

— Ие, отам эккан теракларни нега кесдиларинг? — деди ҳовлиқиб.

— Биринчидан сенинг отанг эмас, бобом эккан. Кейин экинларга шира тушаяпти. Матназарнинг муроса оҳангидаги сўнгги сўзи уни шаштидан туширгандек бўлди.

— Буларни энди нима қилмоқчисан? — сўради умидвор бўлиб.

— Сотаман.



Эшназарнинг кўксидаги ҳасад ўти, хаёлида бир қувликни ўйлаб пиширгачгина босилди. Кечқурун амакиваччасининг уйига борди.

— Менга икки миллион сўм қарз бериб тур. Иккита сигир сотиб олсам, дегандим. Ҳарна рўзғорга ёрдам бўларди. Пулингни кузга қолмай қайтараман.

Матназар мардлик қилиб, у сўраган пулни берди. Фақат кузда тўнғичини уйлантиради, унгача қайтариши шарт. Кўз очиб юмгунча айтилган муддат ҳам ўтиб кетди. Лекин қарзнинг қайтишидан жўяли дарак бўлмади. Бу орада амакиваччасидан пулни қистайвериб, Матназарнинг тоқати тоқ бўла бошлади.

— Сенга берадиган пул йўқ, — деди Эшназар охири юзидаги ниқобни ечиб. — Отам теракларни менинг ўғлимга, тўнғич неварасига атаб эккан эди. Уларни кесиб сотишга сенинг ҳаққинг йўқ бўлса-да, пулини ўзлаштириб олдинг. Мана, энди сен билан ҳисоб-китобимиз тўғри бўлди.

Воқеанинг бундай кескин бурилишини кутмаган Матназар довдираб, изига қайтди. Уйига келгач, хотинининг таъна-дашномлари жонидан ўтиб кетди. Тонг отар-отмас икки ўғлини ёнига олиб, Матназарнинг уйига бостириб борди. Зўрлик билан унинг икки сигирини уйига ҳайдаб келди. Қаршилик қилган амакивачча ва жиянини уч киши қарз алами босилгунча аямай дўппослашди.

Қалтис вазиятда ҳар икки томон ҳам ақл билан иш тутишганда, тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилиб, муаммони суд орқали ҳал этишга ҳаракат қилишганда, можаронинг охири фожиа билан тугамас эди. Лекин амакиваччалар қонуний йўл тутишни хаёлига ҳам келтиришмади. Оқибат эса...

Бундай босқинчиликка жавобан Эшназар жаҳл болтасини обдон чархлади. Қабоҳатга қўл уришдан ҳам тап тортмади. Қоронғу тунда беғубор болалиги ўтган ҳовлига пусиб кирди. Ширин уйқуда ётган амакиваччасининг бошига болта билан бир неча бор ургач, Матназарнинг ўлганига ишонч ҳосил қилиб, хотиржамлик билан изига қайтди...

Албатта, қотил қилмишига яраша тегишли жиноий жавобгарликка тортилди. Лекин қотиллик оқибатида узилган қариндошлик риштаси қайта тикланармикин? Ноқонуний иш — келтирар ташвиш, деб шуни айтсалар керак-да.

**Озода
АБДУРАҲМОНОВА,
Зангиота туманида
хусусий амалиёт
билан шуғулланувчи
нотариус,
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун"
мухбири**

---

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси бошқарув органи умумий йиғилишининг 2009 йил 1 июлдаги № 9 сонли қарорига асосан Ражабова Мавжуда Сайфудиновна Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси Бухоро вилояти ваколатхонаси бошлиғи лавозимига тайинланганлиги муносабати билан Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг 2009 йил 16 ноябрдаги 177-ум сонли буйруғига асосан унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

---

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Кондратенко Иринага онаси **КОНДРАТЕНКО Людмила Алексеевна**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-915. Тиражи — 13145. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 4 5